



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI**  
**UCHQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

---

2021 - yil 27 - noyabr

412-6-87-Q/21

Uchqo'rg'on tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 октябрдаги ПҚ-5270-сонли ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 8 ноябр 350-6-0-Q/21-сонли қарорларини ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 октябрдаги ПҚ-5270-сонли ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 8 ноябр 350-6-0-Q/21-сонли қарорлари ижросини туманда самарали ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

**Қ А Р О Р Қ И Л И М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 октябрдаги ПҚ-5270-сонли ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 8 ноябр 350-6-0-Q/21-сонли қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Туризм ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг:

а) “Ипак йўли” туризм халқаро университетини “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети этиб қайта номлаш;

б) “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетини Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм, маданий меросни бошқариш ва музейшунослик соҳаларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳамда ушбу соҳаларни илмий ва инновацион тадқиқ этиш бўйича илмий муассасага айлантириш;

в) куйидагилар:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Шаҳрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва сервис коллежлари негизида олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган Шаҳрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва маданий мерос техникумларини ташкил этиш;

Самарқанд туризм ва сервис техникумини Самарқанд туризм ва маданий мерос техникуми ҳамда Бухоро туризм техникумини Бухоро туризм ва маданий мерос техникуми деб қайта номлаш;

Туризмни ривожлантириш институти, Маданий мерос техникумлари, Андижон, Зомин ва Бўстонлиқ туризм ва сервис коллежлари ҳамда Тошкент туризм ва бизнес коллежини Туризм ва спорт вазирлиги тузилмасидан Университет тузилмасига ўтказиш;

г) Тошкент туризм ва сервис коллежи негизида Университетнинг Тошкент филиалини ташкил этиш;

д) Университетни Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Самарқанд археология институтининг илмий ва инновацион тадқиқотлар соҳасидаги ҳамда методик йўналишлардаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган этиб белгилаш;

е) "Ипак йўли" давлатлари тарихи, санъати ва цивилизацияларини тадқиқ ва намойиш этиш учун Университет ҳузурида:

“Ипак йўли” халқаро тадқиқот институти;

“Ипак йўли” музейи;

“Ипак йўли” арт-резиденцияси;

“Ипак йўли” санъат галереяси;

Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимнинг ўринбосари С.Турсунов, туман туризм ва спорт бўлими Ў.Олимов тегишли бошқарма ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрдаги ПҚ-5270-сонли ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 8 ноябр 350-6-0-Q/21-сонли қарорлари талабларидан келиб чиқиб иш ташкил этсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Турсунов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



А.Ваҳобов